



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 18 ноябрь, № 224 (4887)

Чоршанба

ЎЗБЕК ЧИННИСИНING ЖОЗИБАСИ

нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда



Ўзбек чинниси. У азалдан ўзининг юқори сифати, тиниқ ранги, жозибадорлиги билан шухрат қозongan. Мустақиллик йилларида, айниқса, миллий хунармандчилигимизнинг ушбу ноёб тури янада кенг эъзоз топди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилган


Ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган хунармандлар ҳамда чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бугун мамлакатимиз чиннисозлари томонидан тайёрланаётган бежирим маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга бўлаётир. Хусусан, Фаргона вилоятининг Риштон туманидаги "SIMAX F+Z" корхонаси томонидан тайёрланаётган чинни маҳсулотларига ҳам ана шундай таъриф бериш мумкин. Негаки, бу ерда миллий аъёнларимизнинг ноёб жиҳатлари акс этган ҳолда ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар бир қатор давлатларга экспорт қилинапти.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ



Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 5-модда)

Бугун дунё аҳли мустақил Ўзбекистон номини ўтмиши ва келажаги буюк давлат сифатида чукчур ҳурмат билан тилга оладики, бу барчамизни гурулантириб, қалбимизга ўзгача фахр-ифтихор ҳиссини бағишлайди. Утган ўн саккиз йиллик эркин ва фаровон ҳаётимиз давомида Президентимиз бошчилигида тарихимизни тиклаш, буюк аجدларимизга юксак эътиром кўрсатиш, миллий аънава ҳамда кадрларимизни асраб-авайлаш, эртанги кунимиз учун муносиб пойдевор яратиш каби эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ана шундай таърифланмоқда, эътироф этилмоқда. Зеро, ўз истиқлолини қўлга киритган халқ ўз тақдирини ўзи белгилашга ҳақлидир.

Келажаги буюк давлат барпо этиш гояси мустақиллигимизнинг илк кунларида ноқ қабул қилинган давлат рамзларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, 1991 йилнинг 18 ноябрида ҳаётга таъбиқ этилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида давлат байроғи мамлакат суверенитетининг рамзларида беририди, дея қайд этилган. Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлиб, миллатимизнинг буюк ўтмишини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини ифода этади. Бинобарин, Юртбошимизнинг «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида муҳасамлаштириди, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг кадр-қимматида, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демасдир», деган сўзларидан ҳам бунга аниқлаш мумкин.

Давлатимиз байроғидаги мовий ранг мусалффо осмонимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни акс эттирса, оқ ранг азалдан поклик, беғуборликни ифода қилади. Яшил ранг яшариш ва янгиликни рамзи, шу билан бирга, она-табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар эса, вужудимизда жўшиб оқайган ҳаётнинг қудрат ва давомийлик нишонидир. Янги чукчуб келаётган ой ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос мазмунга эга. Қўнра Шарқда қадимдан ўн икки рақами муқамалликни, комилликни аниқлаган.

— Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насимжон Алимов. — Булар шунчаки давлат сийсатини амалга ошириш воситасига бўлиб қолмасдан, катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган.

(Давоми 2-бетда).

БЕГУБОР ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни юксак маънавийлик, ҳар томонлама етув ва баркамол шахс этиб тарбиялаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қўллашнинг, уларнинг эзгу орзу ва интилишларига қанот бағишлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самаларини бермоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳам-гармаси, Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Қамалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Янги авлод — 2009» болалар ижодий фестивалининг республика босқичида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг эркин ифодасини топди.

(Давоми 4-бетда).


«Янги авлод — 2009»

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

«Тадбиркор», «Мулкдор» тушунчалари ҳаётимизга истиқлол шарофати туфайли кенгроқ кириб келди, десак, асло муболага бўлмайди. Нега деганда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида тадбиркорлик ҳаракати ривожлантирилиб, мулкдорлар синфи шаклланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлди. Мазкур тизимга қаратилган алоҳида эътибор, яратилган қулай шарт-шароитлар, энг асосийси, давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар туфайли улар ўтган қисқа давр ичида иқтисодиётимизда етакчи кучга айланди.

...Тошкентлик Дилдора Авезова эндигина 23 ёшга қаршилапти. Шундай бўлишига қарамай, у яратган либослар, унинг қўлида сайқал топган миллий кийим-бошлар нафақат юртдошларимизнинг, балки хорижлик мижозларнинг ҳам алақачон эътиборини қозongan. Дилдоранинг миллий хунармандчиликнинг қадимий ва мафтункор турлари — попончилик ва каштачиликка меҳри бўлагидан тушган. Онаси ёрдамида бошланғич сабоқни олган, ўзи мустақил равишда нақшлар солиб, ранго-ранг гуллар тасвирини чизиб, ипақдан гул битта бошлади. Қизалоқдаги бу интилиш, аниқроғи, қобилиятини пайқаб қолган ота-онаси уни юзага чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилди.

Бугун у — олий маълумотли дизайнер, яқна тартибдаги тадбиркор. Аслида тадбиркорликка 16 ёшда қўл урган. Шундан буюн 20 нафардан зиёд шогирд етиштирди. Улар ҳам ҳозирги кунда мустақил равишда иш юритиб, касаначилик асосида янги иш ўринлари очиб, ёшларга хунармандчиликни муносиб улуш қўшиб хелишмоқда.



Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 36-модда.

— Мени тадбиркор сифатида турли қўрик-танловлар қаршлади. — дейди Дилдора Авезова. — Айниқса, Президентимиз соврини учун аънаваний ўтказилган «Ташаббус» республика қўрик-танлови бу борадаги қобилиятини намоян этишга кенг имкон очиб берди, ўзимга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Чунки 2008 йили ушбу танловда иштирок этиб, «Энг ёш тадбиркор» номинациясида ғолибликни қўлга киритдим. Ҳозир Дилдоранинг қўли буюртмалардан бўшамайди. У яратётган миллий либосларга талаб ниҳоятда юқори. Бунинг сабаби бор, албатта. Негаки, у

ишларида унутилиб бораётган миллий хунармандчилик белгиларидан заргарона фойдалана олади. Шу босис у яратган болалар ва катталар кийимларими, қиз ва жувонлар кўйлақларими, саҳна либосларими — бардида миллийлик ва шарқона услуб уфуриб туради.

Уткир дид, нозик туйғулар жиғиси ва профессионал маҳоратнинг уйғунлашуви, таъбир жоиз бўлса, мўъжизалар яралмоқда. Улар нафақат юртимизда ташкил этилган мода ҳафталиклари ва кўргазмаларда, балки Франция, Ҳиндистон каби чет давлатларда ўтказилган халқор танлов ва фестивалларда юқори баҳоланди. Унинг муаллифи совриндорлар сафидан жой олди.

Дилдора йўқолиб бораётган санъат асарлари коллекциясини яратиш ишти-ёқида ҳам тинмай ишланмоқда. Шу мақсадда зардўзлик, патдўзликнинг ноёб усулларини тиклашга киришган. Бунда унга Тошкент тўқимачилик ва энгил санъат институтида сабоқ берган устозлари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

— Ўзбек халқ амалий санъати ниҳоятда бой, бунинг бошқа миллатлар вакиллари ҳам кўп бор эътироф этишади. — дейди сўхбатдошимиз. — Халқор фестивалларда хорижликларнинг миллий либосларимизга маҳлиё бўлиб, соатлаб термилиб туришлари, унинг яратилиши ҳақида қизиқиб сўрашлари ишимга бўлган меҳримини янада кучайтириб юборади.

(Давоми 2-бетда).

17 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисини қабул қилиш, ташқи сийосат соҳасидаги қонунлар, жумладан, «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Шунингдек, «Иқтидорга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўъжалланган дастурини сўзсиз ба-жариш борасида маҳаллий иқтисодий органларнинг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Девонининг йигирманчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисини қабул қилиш, ташқи сийосат соҳасидаги қонунлар, жумладан, «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Шунингдек, «Иқтидорга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўъжалланган дастурини сўзсиз ба-жариш борасида маҳаллий иқтисодий органларнинг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Девонининг йигирманчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ДОЛЗАРЪ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши ушбу даврда иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берди.

Хусусан, бу даврда ялпи ички маҳсулот 8,0 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,1 фоизга, пуллиқ хизматлар ҳажми 17,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 17,5 фоизга ўсди. Бундан ташқари, қулай инвестициявий муҳит ҳамда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиниши иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг

28,3 фоизга ўсишини таъминлади. Айни пайтда қурилиш ҳажми 33,5 фоизга ошди, 371 та ишлаб чиқариш иншооти фойдаланишга топширилди. Албатта, ушбу муваффақиятларда иқтисодиётнинг таркибий ўзгарилиши, ишлаб чиқарувчиларнинг қўллаб-қувватланиши, айниқса, фаол инвестиция сийсати, қўшимча солиқ, божхона имтиёзларининг берилиши ҳамда ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг рағбатлантирилиши асосий омил бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON — КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари доираларининг бизнес-форуми ҳамда Кооперация биржаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикасининг "Tricos Co Ltd." компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳужужий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Форум эса ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоиявий муносабатларни янада ривожлантиришда қўшимча имкониятлар яратилишига хизмат қилиши билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари ниҳоятда катта. Чунки бу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти бирдек юқори. Масалан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари,

Даржақикат, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоиявий шерикларидан бири ҳисобланади. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоиясининг ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошishi шундан далолат беради. Бугунги кунда нефть-газ, қончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, қиммат саноати, қурилиш, ахборот коммуникацияси ва бошқа соҳаларда қўллаб-қўштамоқда. Бу савдо алоқаларининг йил сайин ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Айтайлик, 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми энг юқори кўрсаткич — 1 миллиард 56 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Айни пайтда республикамизда 351 та Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, юртимизда Корея Республикасининг 91 та йирик фирм ва компанияси ўз ваколатхонасига эга.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик

ни қизиқтириб келмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Жанубий Корея билан ҳамкорликда саноат ишлаб чиқаришида мураккаб ва энг илғор технологиялар талаб қилади-ган тармоқларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. Савдо алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилиниши, айтиш мумкинки, томонлар қизиқишларининг амалдаги ифодасидир.

Президентимизнинг мамлакатимиз ёшларига қарата: "Сиз азизлар, биз бошлаган ишларнинг давомчилиги сифатида олдинда қўйган мақсад — ҳеч қандам кам бўлмайдиган, демократик, оқод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқётганиниги чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга, албатта, қодир бўлишингиз керак", деб айтган сўзларида улуг мақсад мужассам. Бугунги кунда ушбу мақсад амалга ошириб, замонавий билим даргоҳларида илмли ва заковатли ёшлар камол топмоқда.

БИЛИМ ВА ТАФАККУР ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ёшларимизнинг билими, заковати, етуқ ва баркамол инсон бўлиб камол топиши учун асрларга татилган ишлар амалга оширилди. Аввало, уларнинг замонавий билим олиши учун моддий, маънавий, ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шароитлар яратилди. Замонавий техникалар билан жиҳозланган синфхоналар, аудиториялар, лабораториялар улар ихтиёрига топширилди. Талабаларнинг тураржойлари қурилди, мавжудлари таъмирланди, янги жиҳозлар билан таъминланди. Қолаверса, ушбу талабалар уйлари қошида спорт майдончалари барпо этилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси кимгадир кўз-кўз қилиш учун эмас, балки эртанги порлоқ келажимизни таъминлаш учун амалга оширилди. Шу сабаб-ҳаракатларимиз тўғрисида бугунги ёшлар бошқача фикрлайдиган, билими, заковати, Ватанини севадиган инсонлар бўлиб камол топмоқда. Қиссий айтганда, шу тарихқа келажак учун тамал тоши қўйилди.

Маълумки, Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки умумжаҳон тамаддуни бешикларидан бири. Ушбу қадим ва

табаррук заминдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сивасатчилар етишиб чиққан. Бой тарихимиз шундан далолат берадики, қайси замонда илму фанга, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, уша замонда тараққиёт бўлган, фаровонлик юз берган, халқнинг маънавияти юксакка кўтарилган. Бугун ҳам ана шундай эътибор ва юксалишларнинг шохиди бўлиб турибмиз. Аммо адолат билан айтганда булсақ, ҳеч бир замонда таълим-тарбия, фан ва ижод давлат сивасатининг устувор вазифаси этиб белгиланмаган. Ҳеч бир замонда мамлакат раҳбари таълим-тарбия, фан ва ижодни юксалтиришга ўзининг биринчи вазифаси сифатида қарамаган.

Ҳабарингиз бор, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаби даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу Қонун ва дастурлар талабаларини

зорий этиш давлат сивасатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган, мантӣқий уйғунлиқда уч босқичда амалга оширилмоқда. Шу тарихқа Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди.

Мушоҳада

Мамлакатда ёшларни жиҳсонан бақувват қилиб аюлга етказиш, спорт билан шугулланишларини оммалаштириш мақсадида замонавий спорт иншоотлари муҳайё қилинганлиги юксак эътиборнинг яна бир мисоли. Бу борада, айниқсан, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" — уч босқичли тизим яратилганини фахр билан айтиш лозим.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш натижасида "урта махсус, касб-хунар таълими" деб номланган тизим шаклланди. Утган давр мобайнида умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими ўз ичига олган 12 йиллик таъ-

лим тизимига ўтиш якунига етди. Қолаверса, 1510 та ўрта махсус, касб-хунар муассасаси ва академик лицейлар барпо этилди, 8501 тасида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозирча қадар ушбу ўқув даргоҳлари иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқ-

лар учун 800 мингдан зиёд ёш кадрларни етиштириб берганлиги эса қувонарли натижадир.

Мақтаб ёки бошқа таълим масканини қуриш энг саволи ишлардан бири. Азалдан одамлар ўқоқ бошига йиғилганидек, мактабга йиғилиб, катта тадбир улақ маслаҳатлари ўқишишган. Демак, мактаб "таълим ўчоғи" бўлиши билан бирга, одамларни бирлаштирадиган маскандир. Шунинг учун мактаб қуриш киши халқнинг дуосига, иззат-икромига сазовор бўлган. Истиқлол шарофати билан қад ролган мактаб ва касб-хунар коллежлари қуш-лоқларимиз кўрқига кўрқ қўшиб турибди. Улар энг замонавий ўқув қуроллари, турли техника воситалари билан жиҳозланган, ёшларнинг билим олиши учун зарур шароитлар яратилган. Шу боис бундан ёшу қари бирдек мамун бўлмоқда.

Гап таълим-тарбия ҳақида бора экан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталмаслик мумкин эмас. Илгариларки вилоятларда пединститутлардан ташқари олий ўқув юртлири йўқ хисоби эди. Эндиликда мавжуд 65 та олий ўқув юртининг 32 таси ай-

нан вилоятларимизда фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда олий таълим йўналишлари 139 тадан 195 тага, мутахассисликлар сони эса 1145 тадан 1395 тага кўпайди. Қолаверса, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси ҳамда Тошкент ислом университетлари ташқил этилди.

Айтиш лозимки, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самара бериб келаётди. Масалан, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимизнинг 13 та медали кўлга киритилганиги ёки Испанияда 97 та мамлакат ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадада 4 нафар ўқувчиларимиз совриндор бўлганлиги кимини тавонтиради, дейсиз? Бундан ташқари, истеъдодли фарзандларимиз Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрқ-танловларнинг мусика йўналишида ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини баянд қўтардилар.

Қисқаси, таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида ёшларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгарди, энг муҳими, ёш авлод онгида ўзига ва келажакка ишонч тўғриси пайдо бўлди. Уларнинг қалбида мамлакатимизда юз бераётган ислохотларга дахлдорлик хисси буй кўрсатди. Айни пайтда уларда билим олиш эҳтиёжи кўчайиб, "Мааламга мутахассис, ўз касбининг устаси бўлсамгина, ҳаётда муносиб ўрнини топишим мумкин", деган аҳд, шунингдек, "Шу азиз Ватан меники, уни обод этиш менинг муқаддас бурчимдир", деган тўғу тобора шаклланимоқда.

Абдуфур МАМАТОВ, Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақил Ўзбекистонимиз байроғи ҳам ҳар биримизнинг гурӯримиз, шону шавкатимиз тимсолига айланган. 1992 йилнинг 2 мартда БМТга аъзо мамлакатлар сафида юртимиз байроғининг кўтарилиши қалбимизга юксак ифтихор бағишлаш билан бирга, эртанги кунимизга бўлган ишонч хиссини ҳам мустахкамлади. Бугун миллий байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлири, Ўзбекистон аъзо давлат халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқда хилпираб турибди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари катнашаётган халқаро миқёсдаги сивсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурӯрини ёрқин акс эттирмоқда. Масалан, халқаро спорт бешлашларида ғолиб бўлган қўтарилган байроғимизга қараб, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган муҳаббатимиз янада ошган. Ниятим, бундан кейин ҳам бор куч-гайратимни ишга солиб, байроғимизнинг улғувор хилпирашига хисса қўшимиз.

Мустақар қилиб айтганда, давлатимиз байроғи ҳар биримизнинг ифтихоримиз тимсоли, тинч ва осийишга, оқод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёрғу келажакимизга бўлган ишончимиз рамзидир.

Шавкат ОРТИҚОВ.

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш лозимки, Давлат бюджет-ти харажатларида асосий эътибор аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш, тўлов интизомини мустахкамлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очишга қаратилмоқда.

Шунингдек, йилгилишда бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши ва бюджет интизомига риоя қилиниши борасида йўл қўйлаётган камчиликларни бартафат этиш ҳақида сўз юритилди. Шу билан бирга, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси департаменти директорининг ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳақида "Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштиришни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, улар концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ишбилармонлари билан алоқаларни юксак қадрлаймиз, — дейди Корея Республикасининг кичик ва ўрта бизнес маъмурияти бош директори

ЎЗБЕКISTON — KOREA БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пак Чанг Сонг. — Зеро, республикантининг иқтисодий салоҳияти ниҳоятда юқори. Айниқсан, қўлматбаҳо табиий бойликларини ўзлаштиришда, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини диққатга сазовордир. Корея ишбилармонлар доираси делегациясининг асосий мақсади Ўзбекистон билан савдо ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида янги ҳамкорлар топишидир.

Форумда корейлик ишбилармонларга иқтисодийнинг

тимизда барқарор ривожланиш суръати сақлаб қолيناётгани, бу эса унинг ишончли ҳамкор эканлигини алоҳида эътибор эътилади. Юртимизга Жанубий Кореянинг 10 дан ортиқ йирик компания ва фирмаларининг вақолини таширф буюрган бўлиб, улар тадбир давомида мамлакатимиз иқтисодиётига сармоялар киритиш, замонавий техника ва технологияларни жалб этишга доир масалаларни муҳокама қилдилар. Яқунда тўмонлар ишбилармонлари ўртасида тенг манфаатли ҳамкорликка оид келишувларга эришилди.

Р. САЙДОВ.

Ўзбек чиннисининг жозибаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Корхонамизга Хитой давлатидан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди, — дейди "SIMAX F+2" корхонаси директори Суҳробжон Исмаилов. — Қолаверса, ушбу мамлакатдан чиннисозлик соҳасида юксак малака ва тажрибага эга мутахассисларни ҳам тақлиф қилдик. Натижада ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури кўпайди, сифати янада ошди.

Дарҳақиқат, айни пайтда корхона тўла қувват билан ишлаяпти. Кичик ва катта ичида бу ерда 150 киши махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шулардан 15 киши экспорт қилинмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 475 миллион сўмга, умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорининг эса 2,5 миллион донага етказиш кўзда тутилган.

Ҳозирда миллий идеш-товолқар тайёрладиган янги чехда монтаж ишлари тугалланаяпти. Бу ерда яна 40 нафар ишчи ўрни яратилиб, келгусида корхонада меҳнат қўлаётганлар сони 150 кишига етлади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун республикамизнинг қай бир гўшасида бўлманг, кўркам уй-жойлар, замонавий ижтимоий иншоотлар, ўқув даргоҳлари, равоқ кўчаларни кўприкларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Зотан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қурилиш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Пировадига шахару қишлоқларимиз кичкисига йилдан-йилга гўшалашиб бораётди. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида республикамизда қурилиш ишлари ҳажми 33,5 фоизга ортгани ана шу ишларнинг изчил давом этганини яққол кўрсатиб турибди.

та объект, шунингдек, ишлаб чиқарилган цемент ҳамда деворбоп материалларни арзон нархларда сотиш бўйича 77 та фирма дўқони ташқил этиш сингари муҳим вазифалар ижроси "Ўзқурилиш материаллари" акциядорлик компанияси зиммасига юклатилди.

Ўз навбатида, компания ана шу вазифаларни бажариш мақсадида талайгина ишларни амалга оширмоқда. Утган тўққиз ой мобайнида компания тизими-



ҚУРИЛИШ — БУНЁДКОРЛИК КЎЗГУСИ

даги корхоналар томонидан 640,9 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган, белгиланган режа 102,1 фоизга урдалангани, 22,8 миллиард сўмлик цемент, 6,8 миллиард сўмлик шифер ҳамда 5,3 миллиард сўмлик бошқа қурилиш маҳсулотлари янги ташқил этилган 125 та фирма дўқони орқали сотилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросига мувофиқ, 39 та янги корхона фойдаланишга топширилди мўлжалланган эди. Амалда эса йил бошидан бери 66 та корхона ишга туширилди.

Яна бир аҳамиятли ҳислати, Қоррага биноан, махсус печлардан фойдаланган ҳолда, энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 2012 йилгача бўлган даврда барча турдаги солиқлар ҳамда мажбурий ажратмалар тўлашдан оқод қилиниши, шунингдек, уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли

шартларда кредит маблағлари ажратилиши қорхоналарнинг оёққа туриши, махсулот танларининг арзонлашишига ҳизмат қилаётган бўлса, зарур асбоб-ускуналарнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилаётгани қўшимча имкониятларни яратаяпти.

Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг бу қадар кенг қулоч ёйиши янги махсулотларга бўлган талабни ҳам ошириши табиий. Шу боис компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Бўҳоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги бир қатор завод ва корхоналардаги технология қайта жиҳозланиб, қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқаришга киришилди.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз кетганда, шу йилнинг 7 — 14 сентябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, бевосита Президентимиз ташаббуси билан ташқил этилган мазкур тадбир соҳада бутунлай янги бос-

Дилшод УЛУФМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУРИЛИШ — БУНЁДКОРЛИК КЎЗГУСИ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қурилиш қўламини йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу — том маънода қурилиш соҳасида тўб бурилиш бўлаётганидан далолат. Эътиборлиси, бунёдкорлик ишлари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда янада юқори поғонага кўтарилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида қишлоқларимиз инфратузилмасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли тураржойлари ва бошқа объектларни меъморий режалаштириш, уларни намунавий лойиҳалар асосида бунёд этиш тизимини тақомиллаштириш, энг муҳими, қишлоқ аҳолисини арзон қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари кўзда тутилган.

Албатта, ҳар қандай иншоот сифатли ва пишиқ махсулотдан бунёд этилгандагина, унинг мустаҳкамлиги ортади. Бундай махсулотлар ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлса-ку, нур устига аъло нур. Шу боис дастурда ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланган ҳолда, умумий қуввати йилга 81,1 миллион донга бўлган замонавий, энергияни тежайдиган гишт заводларини ишга тушириш, қишлоқ жойларда замонавий том ёпиш материаллари тайёрлаш бўйича 6

Ислохот

лан, давлат рўйқатидан ўтказиш жуда соддалаштирилган, бизнес-режангиз тайёр бўлса, банклардан имтиёзли кредит олиб, ишчи бошлайверасиз. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдати "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди, айниқсан, биз, тадбиркорларга яна қўллаб имтиёзлар берилгани барчамизни хур-

Ислохот

тоза ичимлик суви йўл харажатларисиз етказиб берилмоқда. Жамоа аҳли мустақиллигимизнинг 18 йиллигига муносиб байрам тўғрисида ҳозирлаган диққатга сазовордир. Бу ерда энг улғу, энг азиз байрам шодиёнларни арафасида нон ишлаб чиқариш чеҳи ишга туширилди. Ҳозирда хориждан келтирилган печлар билан жиҳозланган мазкур цехда 4 нафар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида, бундай кийим-кечакларни яратишга ҳар бир ўзбек қизи қодир. Фақат улардаги яширин истеъдоднинг очилишига оғина туртки керак, ҳолос. Шунинг учун биланларимизни тенгдошларимга, сингилларимизга ўргатишга ҳаракат қиламан. Энг катта ниятим — миллий либосларимизни дунё подиумларига олиб чиқиб, ўзбек хунармандчилиги шухратини кенгрок ёйиш.

Дилдора сингари ёш тадбиркорларни юртимизнинг ҳар бир минтақасидан хоҳлаганча мисол қилиб келтириш мумкин. Истиқлол йилларида миллий хунармандчиликни тиклаш мақсадида шу касб-кор эгаларининг эркин ишлашлари учун ижодий муҳит яратилиб, улар солиқ тўловларидан оқод этилдики, бунни беркилиб қолган буюқ кўзини очиш билан менгаш мумкин. Бугун бу чашманинг зилол суваридан бутун халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Минглаб ёшлар хунармандчилик ортидан ишли бўлиб, рўзгорининг тўқилишини таъминляпти. Зеро, амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизиди аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини кўтаришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг жозибадорлиги, бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчанлиги ва айни пайтда қўллаб янги иш ўринлари очиш имкони мавжудлиги билан ажрвалиб туради. Шу боис мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидадан ушбу бўғинни ривожланти-

ришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Улар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар билан тобора бойиб бораётди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг 9 ойида кичик корхоналар сони қарийб 6 фоизга кўпайди. Табиийки, фермер ҳўжаликлари бундан мустасно.

Ушбу даврда уларнинг саноят маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 16,6 фоиз, экспортда 13,9 фоизни ташқил қилгани, айниқсан, қувонарлидир. Яқин келажакда бу кўрсаткичлар янада ортиши кутиляпти. Сабаби, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони муттасил ўсаяпти. Бу жараёнда жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири сезилмаётгани республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг нечоғли тўғри танланганини кўрсатади, албатта.

— Бугун "Тадбиркорлик билан шугулланман" деган кишига ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди Нукус шаҳридаги "Проминвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сараҳон Қойлибаева. — Бунга корхонамизни ташқил этаётган чоғимизда яна бир бор амин бўлганман. Маса-

санд қилди. Бу ғамхўрликка жавобан фидокорона ишлашимиз керак, ҳолос.

20 киши меҳнат қилаётган мазкур кичик корхонани Қорақалпоғистонда яхши билишади. Чунки жамият теъзор, сифатли ва арзон матбаачилик маҳсулотлари, шунингдек, сервис хизматлари билан Оролбўйи худудини қамраб олган. Германия, Япония давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар мижозларга кўнглидагидек хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Жорий йилда жамиятнинг хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтиди. Гап шундаки, корхона қошида ичимлик сувини тозалалаб берувчи цех очилди. Хитой давлатидан келтирилган бўлини ярдамиди бир пайтинг ўзида 2 минг тонна сув туз ва чўқиндилардан тозаланади. Айни пайтда Нукус шаҳридаги истеъмолчиларга қадокланган

киши ишга жалб этилиб, қолипл нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

Иқтисодий ислохотлар нафақат марказларда, балки Оролбўйининг чекка худудларида ҳам ўзини ана шундай намоён этмоқда. Қишлоқ жойларда саноят корхоналари барпо этилиб, янги иш ўринлари очилапти, импорт ўрнини босувчи махсулотлар тайёрлаш ўзлаштириляпти. Бундан, энг аввало, истеъмолчи — сизу биз баҳраманд бўлаётганимиз алоҳида эътиборга моликдир.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни рағбатлантиришнинг кучли механизми яратилган, — дейди Паркент туманидаги "Sunny Raisins" масъулияти чекланган жамияти раиси Абдурашид Пирматов. — Бунни солиқ тизимида берилаётган энгиллик-

очиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Халқаро экспертларнинг таҳлилларига қараганда, Ўзбекистонда кичик бизнес тараққиёт этиб бораётгани тўғрисидаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири сезилмаёпти. Ақинча, айни пайтда, дунёнинг қўллаб давлатларида ҳўкм сураётган мураккаб шароитга қарамай, бу ерда янги иш ўринлари яратилиб, бандлик даражаси ошмоқда. Бунда, табиийки, кичик бизнеснинг улуши салмоқли бўлаётди. Исомоти? 2009 йилнинг 9 ойида 743,5 мингга ёки 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоиз кўп янги иш ўрни яратилган бўлса, шундан 311,1 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очилди.

"Sunny Raisins" фирмаси ўз фаолиятини дастлаб 31 киши билан бошлаган эди. Орадан

кўп ўтмай, ишчилар сони 48 нафарга етди. Қўрилган даромад хисобидан Қирбай ва Янгийўл туманлари, шунингдек, Самарқанд вилоятида қайта ишлаш цехлари ишга туширилган, доимий ишчилар сони салкам 90 кишини ташқил этди. Улар Италия, АҚШ, Венгрия, Россия давлатларидан келтирилган энг замонавий технологияларни бемалол бошқа-

турлари ва ёнғоқ шулар жумласидандир. Эндиликда бу

ЖАҲОН 24 соат ичида

Талаб ва чеклов

Австралияда спиртли ичимликларга ружу қўйганлар сон тобора ошиб бораётгани кузатилади.

Шу боис мутахассислар мазкур муаммонинг олдини олиш учун ҳукумат зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Статистика маълумотларига кўра, бир нафар австралияликнинг йил давомида истеъмол қиладиган спиртли ичимликлар миқдори 9,8 литрга тенг экан.

Шубҳали дори-дармонлар



Европа ва АҚШ бозорларида сотилаётган бир қатор шубҳали дори-дармонлар ортида Россияда фаолият кўрсатаётган жинорий тўда турибди, дея маълум қилди "The Daily Telegraph" нашри.

Айни пайтда А/Н1Н1 вирусига қарши дори доирасида қилинмоқда.

Тарғиб қилинаётган бундай дори-дармонлар АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Германия дорихоналарида мавжуд экан.

Уюшган жиноятчиликка қарши

Афғонистонда уюшган жиноятчиликка қарши янги ташкилот рўйхатга олинди.

Мамлакат ички ишлар вазирининг изоҳлашича, мазкур идора ўз фаолиятини АҚШ тергов маҳкамаси, Европа полицияси (Европол) ҳамда Скотланд-Ярд (Буюк Британия полицияси) билан ҳамкорликда олиб боради.

Экспертларнинг сўзларига кўра, янги муассасанинг тузилиши мамлакатнинг ташқи алоқаларини мустақамлашга ҳисса қўшади.

Нархдаги ўзгаришлар сабаб

Буюк Британиянинг "EasyJet" авиакомпанияси даромад миқдори бирдан пасайиб кетганидан ташвишланмоқда.

Бу ҳақда "AFP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Таҳлилларга қараганда, компания ўтган бир йил мобайнида 43,7 миллион фунт стерлинг миқдориди маблаг йўқотган.


Олтин савдоси

Маврикий марказий банки Халқаро валюта жамғармасидан икки тонна олтин сотиб олди.

Бунинг учун мазкур давлат ўз ҳисобидан 71,7 миллион АҚШ доллари сарфлаган. ХВЖнинг билдиришича, Маврикийга олтин мақбул нархда пулланган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг сентябрь ойида жамғарма ўз захирасидан 402,3 тонна олтин сотилишини маълум қилганди. Ундан келадиган маблаг қашшоқликдан азият чекаётган давлатларга ёрдам тариқасида ажратилиши режалаштирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция муҳити яратилиб, уларнинг самарали фаолият юритишини таъминловчи қафолат ва имтиёзларнинг мустаҳкам тизими жорий этилди.

«Ўзмиллийбанк»:

КЕЛАЖАК УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, янги корхоналарни ишга тушириш лойиҳаларини молиялаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

«Ўзмиллийбанк» ўн саккиз йиллик фаолияти давомида бутун Марказий Осиё минтақасида энг катта инвестиция муассасасига айланган десак муболага бўлмайди.

«Ўзмиллийбанк» ўн саккиз йиллик фаолияти давомида бутун Марказий Осиё минтақасида энг катта инвестиция муассасасига айланган десак муболага бўлмайди. Кучли рақобат шартларида қарамай, банк мамлакат молия бозоридида ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб келмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дас-турда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, иқтисодий реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, иқтисодий таркибий ўзгариш жараёнига инвестицияларни

қасбини сотиб олиш, Навоий конметаллургия комбинати учун кон қазих усулларини ўқатиб бериш, «Тошхажарйўловчитранс» уюшмасига «Даймлер-Крайслер» русумли автобуслар харид қилиш ва бошқа лойиҳалар шулар сирасига кирди.

Кўриниб турибдики, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кредитловчи банк сифатида қатнашиш «Ўзмиллийбанк»нинг асосий вазифасига айланган. Унинг активлари таркибидида кредитлар 50 фоиздан кўпроқни ташкил этиши фикримиз тасдиғидир.

Мазкур молия муассасасининг жорий йил учун ишлаб чиқилган кредит сўрасига мурожаат қилиш мuddатли кредитлар бериш йўлида барча имкониятлардан фойдаланишга интиломоқда.

Мазкур молия муассасасининг жорий йил учун ишлаб чиқилган кредит сўрасига мурожаат қилиш мuddатли кредитлар бериш йўлида барча имкониятлардан фойдаланишга интиломоқда.

келг жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида банк йил бошидан буён (2009 йил 1 ноябрдаги ҳолатга кўра) хорижий валютада 314,6 миллион АҚШ доллари ва 286,2 миллион евро, шунингдек, миллий валютада 1,6 миллиард сўмликдан ортиқ ҳажмдаги йирик инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиб, молиялаш ишларини бошлади.

Молия муассасаларида

Иқтисодий таркибий янгилаш ишларида темир йўл, автотранспорт ва авиация тармоқларини ривожлантириш катта ўрин тутди. Жумладан, Тошкент аэропортидан ташқари, яна 12 та минтақавий аэропорти ўз ичига олган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси транспорт коммуникациялари тараққиётида асосий роль ўйнайди.

«Ўзмиллийбанк» Фарбда ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемалари паркинги барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда ҳам фаол қатнашмоқ-

да. Бу юртимизга келадиган хорижий сайёҳлар сонининг янада кўпайишига, Ўзбекистон компанияларининг амалий алоқалари кенгайишига ва тадбиркорлик соҳаси ривожланишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ҳаво кемалари паркинги янгилаш ва унификациялаш» лойиҳасини амалга ошириш учун Миллий банк 1,2 миллиард АҚШ доллари қийматидаги кредит битимини имзолади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Чунончи, Миллий банк унинг «Хитойда ишлаб чиқарилган 15 та йўловчи электровози сотиб олиш» бўйича 70,1 миллион АҚШ доллари тенг лойиҳасини молиялаштирмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз ёқилги-энергетика комплексининг ишончли ва самарали фаолияти иқтисодий таркибий барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Миллий банк «Ўзбекэнерго» ДАКнинг умумий кредит эҳтиёжи 427 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган «Навоий ИЭСни модернизациялаш ва буғ-газ қурилмасини барпо этиш», «500 кВт қувватга эга Ғузур-Сурхон юқори вольтли линиясини қуриш» ҳамда «Сурхон нимстанциясида автотрансформатор қуриш» лойиҳалари бўйича молиялаш ишларини бошлаган.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзмиллийбанк» томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун ажратилган кредитларнинг асосий қисми республикамиз нефть-газ тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган. Жумладан, ҳозирда мазкур молия муассасаси «Ўзбекнефтгаз»

МХКнинг ишлатилётган бурғилаш қурилмалари паркинги янгилаш ишларини молиялаштирмоқда. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғилаш қурилмалари ва 3D сейсмоқидирув комплекслари билан жиҳозлашга 177,6 миллион АҚШ доллари миқдориди маблаг ажратилган. Бу эса, фақат вертикал эмас, балки горизонтал усулда ҳам қазиб олинмаган нефть ва газнинг суткалик ўртача ҳажмини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда умумий кредит эҳтиёжи 99,9 миллион АҚШ доллари бўлган «Қўнғирот компрессор станциясида газ қургитиш объекти қурилиши» ва «Қамчиқ довоғи орқали «Оҳангарон — Пунгон» магистрал газ қувури қурилиши» лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган.

Миллий банк республика кишлқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Чунончи, банк «Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакен»-1, «Улғунор» ва «Тулбаҳор 1К» насос станцияларини реконструкциялаш», «Фаргона, Марғилон шаҳарлари ва уларга ёндаш аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилаш» лойиҳалари бўйича молиялаш ишларини олиб бормоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон банк хизматлари бозориди пешқадамлардан бири бўлган Миллий банк муваффақиятли амалга оширилган бир қанча инвестиция лойиҳаларидан иборат «соств»ни тартиб кетаётган «иқтисодий локомотив» вазифасини бажармоқда.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

МАҲСУЛОТИ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

Минбулоқ туманидаги «Асрорбек Дилмурод» қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Лекин бу ерда тайёрланаётган 11 турдаги қурилиш ашёларига ички бозорда талаб ортиб бормоқда. Яқинда корхонада йўлак қопламалари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Чорвачилик янада ривожланади

Бу эса кишлқ жойларда насли чорва молларининг кўпайиши, уларда турли касалликларнинг олди олинишида муҳим асос бўлмоқда.

Мазкур пунктлар орқали шу йилнинг ўтган даврида 247 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу эса вилоятда чорва моллари сонининг ортишига ҳамда ички бозорда гўшт ва сут маҳсулотларининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келмоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
ПЭК филтратлари, ИЗО муфтларни



Маҳсулот сертификатланган. Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Маълум: Тошкент ш., Чилонзор маҳалласи, Ц.даҳаси, 6-ўй. Мўлжал — «Шўқрат» дўкон жойлашган чоррақа.

Х. Ҳ. Ниёзий номидида Республика мусиқа коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгебай Сержановга онаси ЖУМАГУЛ апиши вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қанча уюшма қўмитаси Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Лутфулла Илҳомжоновга онаси бузрукворси СУҒОҲ ИЛҲОМЖОНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi»га 2010 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. Ахборотнома саҳифаларида: Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари; ҳўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари; чет эл арбитраж ва ҳўжалик судлари тажрибаси; қонунчиликни амалиётда қўлашга оид етуқ ҳўқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёртиб бориллади.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. КАФОЛАТ — 2 йил. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Hyundai Official Partner Tel. 250-11-11

КОМПЬЮТЕРДАГИ КИТОБ ЖАВОНИ

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг юртимиздаги зиё масканлари фаолиятида туб ўзгаришлар кўзга ташланди. Жумладан, соҳага замонавий ахборот технологиялари кириб келди. Ахборот тўплаш, уни ўқувчига етказиш қамрови кенгайди.



Мазкур қарорга мувофиқ, Бухоро вилояти болалар кутубхонаси ҳам ахборот-ресурс марказига айлантирилган эди. Эндиликда аҳолининг ахборот ресурслари ва кутубхона фондларига эркин кириб бориш ҳуқуқини таъминлаш асосий мақсадимиз бўлиб қолди. Шу ниятда кутубхонамизни электрон ахборот ресурслари билан ҳам тўлдириб бораёلمиз. Хусусан, марказ "Интернет", "Зиёнет" тармоқларига уланган. Хар бир фойдаланувчига керакли ахборот ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Қарор ва ижро

Хозирда марказимизда 11 минг 600 та китоб мавжуд. Китобхоналаримиз сони эса 5 минг 300 нафардан ошди. Улар учун кутубхонашунослик, библиография асослари ҳамда шахнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш бўйича ўқув машғулоти ўтказилаяпти. Қолаверса, бу ерда "Янгиликлар картотекаси", "Янги адабиётлар", "Янги китобхоналар", "Вақтли матбуот нашрлари" каби кўргазмалар ташкил этилган. Интеллектуал ўйинлар, китобхона анжумани, янги китоб, диск, сайт тақдимотлари марказ хизматидан фойдаланувчи-

циклопедик китоблар билан бойитилди. Улар Осие Тараққиёт банки грантлари асосида компьютер, телевизор, DVD, совутич, кутубхона мебеллари билан жиҳозлангани ҳам диққатга молиқдир. Бу каби ишлар ўз натижасини бераёпти, албатта. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари" кўрик-танловининг республика босқичида Бухоро шаҳридаги 2-мактаб ўқувчилар жамоаси голиб чиққани, "Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассиси" кўрик-танловида эса Бухоро шаҳридаги 1-мактаб кутубхоначиси Зулфия Жўраева олий ўринни эгаллагани сўзимиз тасдиғидир.

Дарвоқе, айни кунда марказимизда 30 дан зиёд электрон дарслик мавжуд. Туман ахборот-ресурс марказлари ҳам шундай дарсликлар билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, қирқ намунадаги электрон дастурлар мажмуаси китобхонага замонавий технологиялар воситасида хизмат кўрсатишда қўл келаяпти. Китобхоналар хо-ҳиш-истағидан келиб чиқиб, оммавий, гуруҳли ва яқка тартибдаги библиографик маълумотлар ишлаб чиқарилгани ҳам марказга келувчиларга қулайликлар туддираёпти.

Ҳа, компьютер ёрдамида зарур ахборотларни, маълумотларни олиш жуда қулай ва кам вақт талаб этади. Шу маънода, уни қаршимизда турган китоб жавонига ўхшатиш мумкин. Фарқи шундаки, бу жавондаги ахборот дунёсининг чегараси йўқ. Демак, зиммамиздаги асосий вазифа ана шу имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиб, ўқувчи ва китобхоналаримизга малакали ҳамда сифатли хизмат кўрсатишдан иборат.

Ҳайратул МУХТОРОВА,
Бухоро вилояти ахборот-ресурс маркази директори.

СУРАТЛАРДА ЮРТ ЖАМОЛИ

Самарқанд вилояти ўқувчи-ёшлар ижодиёт марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан сурат олиш ва расм чизиш бўйича ўтказилган "Бунёдкорлик йўлида" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари юртимизнинг берадот табияти, тарихий обидаларини сурат ва расмларда акс эттирдилар. Шунингдек, танлов доирасида ёш сураткашларнинг шахсий кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Тадбир якунига кўра, расм йўналиши бўйича Каттақўрғон шаҳри вакиллари Дос-

тон Исмоилов ва Жавоҳир Незматуллаев, суратга олиш бўйича пайариқлик ўқувчи Абдура-там Сиддиқов голиб деб топилди. Эндиликда совриндорлар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

Абдураҳим САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

(Давоми. Боши 1-бетда).

17 ноябрь куни "Истиқлол" саройида ушбу ижодий беллашув голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда фестивалнинг якуний босқичи иштирокчилари, уларнинг устоз ва ота-оналари, умумий ўрта таълим, musiқа ва санъат йўналишидаги мактабларнинг ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг турли лойиҳаларида, танловларида совриндор бўлган ёшлар, халқаро ташкилотлар ва юртимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида янги ҳаёт, янги жаҳият барпо этиш, юртимизни янада раванқ топтириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида босқичма-босқич, изчиллик билан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар навақирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳаётимизнинг ҳал этувчи кунига айланшидек эзгу мақсадга йўналтирилган. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар жараёни ёшлар маънавий юксалтириш, тафаккурини бойитиш, уларга пухта билим бериш, санолатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиши ва интилиши бўйича касб-хўнор эгаллашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда барпо этилаётган жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканлари, болалар ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари таълим сифати ва самарадорлигини ошириши ба-рорабарда, ўғил-қизларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига са-

доқат, миллий ва умумбаشارий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалби ва онгида юрт тақдирини унун дахлдорлик, фидойилик каби олижаноб туйғуларни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилган "Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги

лажонлар-ширинтойлар" каби кўрик-танловлар, фестиваллар, турли ижтимоий-маърифий лойиҳалар, қобилиятли ёшларни рағбатлантиришга қаратилган грант дастурлари, концертлар, заковат, спорт мусобақалари бунинг далилидир.

Жамғарманнинг турли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги "Янги авлод" болалар бадий ижодиёти республика фестивали бетакорлиги, ранг-баранг концертлар, бадий кўргазмалар, тақдирот маросимларига бой-

миздаги Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уювда фестивалнинг турли йўналишлари бўйича иштирокчиларнинг маҳорати таниқли санъаткорлар, педагоглар, мусаввирлар, санъатшунослар кўригидан ўтказилди. Фестиваль доирасида қизиқарли концертлар, ижодий урчушулар, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларининг пойтахтимиздаги диққатга сазовор масканлар, музейлар, театрлар, тасвирий санъат галереялари, майдон ва хибронларга саёбатлари ташкил этилди.

— Мен ушбу фестивалда биринчи марта иштирок этаман, — дейди Нукус шаҳридаги 17-мактабнинг болалар ракс ансамбли аъзоси Муҳаббат Қосимбетова. — Фестивалга жамоамиз билан қорақалпоқ миллий раксини тайёрлаб келдик. Ушбу санъат байрами хотирамда бир умр сақланиб қолади. Негаки, фестивал сабаб жаҳон Ўзбекистонимизнинг пойтахти — Тошкент шаҳрини кўрдим. Турли ижодий танловларда иштирок этдим. Устозлар, таниқли санъаткорлар, моҳир мусаввирларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлдим. Ўзим каби санъатга меҳри баланд кўплаб дўстлар орттирдим.

Фестиваль юртимиз истеъдод соҳибларига нечоғли бой, улар ҳамиша давлатимиз ва жаҳонимиз эътиборига, халқимиз ардоғига эканини яна бир бор намойен этди.

Тадбирда "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фестивали голибларига дипломат топирилди. Фестиваль совриндорлари ва санъат усталари иштирокчида катта концерт дастури намойиш этилди.

Нозолат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БЕҒУБОР ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

қарори иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиш, маданий савиясини юксалтириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг энг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит ва имконият яратиш йўналишидаги ибратли ишларни янада юксак поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар билан бирга, жамоат ташкилотлари ҳам муносиб хисса қўшмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий жиҳатдан камол топишига яқиндан кўмаклашиш устувор ўрин тутди. Жамғарма томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Келажақ овози", "Навақирон Ўзбекистон", "Бо-

лиги ва энг асосийси, санъатнинг сөхрили ҳамда мафтункор дунёсига ошно бўлган мурғак қалб соҳибларини тўплагани билан ҳам аҳамиятлидир. Юртимиз бўйлаб болалик, беғуборлик, гўзаллик ва баркамоллик байрамига айланаб кетган ушбу фестивал истеъдодли янги номларни кашф этишга, уларнинг ижодини республика ва халқаро миқёсда танитишга хизмат қилмоқда.

Анъанга кўра, ижодий беллашуving бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичлари кўтарили рўҳда, юксак савияда ўтказилди. Унда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган салкам илтирам минг нафар ўғил-қиз мумтоз musiқа, хонандлик, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишида ўз маҳоратини намойиш қилди. Уларнинг етти юз нафари якуний — мамлакат босқичида иштирок этди.

12 — 16 ноябрь кунлари пойтахти-

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ ЧИНИҚИШ МАСКАНИ



Уйчи туманидаги Машад қишлоғида болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очилиши ёшлар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам айни мудоа бўлди. Икки қаватли замонавий бинода жисмоний етуқлик машқларини бажариш учун ҳамма шароит етарли. Қишки зал, ҳовлидаги 600 томошабинга мўлжалланган катта стадион, волейбол, қўл тўпи майдончалари ёшлар ихтиёрида.

— Ёшларга спортнинг футбол, қўл тўпи, белбоғли кураш, шахмат, енгил атлетика сингари 9 та тури бўйича сабоқ бераёلمиз, — дейди 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шавкатжон Аҳмедов. — Уларнинг қай даражада тахсил олаётганликлари турли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқларида намойен бўлмоқда. Айниқса, миллионлар йўлини — футболда эришаётган натижаларимиз кишини қувонтиради. Масалан, мактабимиз қошида ташкил этилган жамоа жорий йил августда мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган халқаро хотира турнирида яхши ўйин кўрсатиб, қучли жамоалар билан астойдил баҳс олиб борди. Дарҳақиқат, машадлик болалар катта спорт майдонларига дадиллик билан кириб боришаёпти. "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг Сирдарё вилоятида ўтган бу гагги баҳсларида ҳам улардан 7 нафари катнашди. Футбол бўйича Наманган вилояти терма жамоаси сафида тўп сурган Мурод Усмонов олтин медаль билан тақдирланди. Уч километр масофага югу-

ришда юқори натижага эришган енгил атлетикачи Абдулла Давлатов эса қишлоққа қумуш медаль тақиб қайтди. Шаҳноза Холиқова мураббийлик қилаётган қўл тўпи бўйича қизлар жамоасининг ҳам шашти баланд, улар вилоят марказида ташкил этилган биринчиликда совринли ўринни эгаллашди. Мактабда 24 нафар жонқуяр мураббий шогирдларига сидқидилдан тарбия бермоқда. Уларнинг хар бири ўз йўналиши бўйича тоифага эга. Футбол синфи ўқитувчиси Мамадали Мўминов яқинда вазирликнинг "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирланди.

Машадликлар ўз фарзандларининг жисмоний ва маънавий камол топишида катта роль ўйнаётган мазкур мактабда яратилган шарт-шароит, эришилаётган натижаларни ҳақли равишда юртимизда болалар спортини раванқ учун кўрсатилаётган гаҳмуҳликлар билан боғлашарди. Шу боисдан бу ерда тарбия олаётган 600 дан зиёд ўғил-қиз орасидан чемпионлар этишиб чиқиб, қишлоқ шуҳратини кўтаришидан кўпчиликнинг умиди катта.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат.

Қарши шаҳрида қўл жанги бўйича Осие очик чемпионати ниҳоясига етди. Уч йўналишда олиб борилган беллашуларда ўндан ортик давлат вакиллари иштирок этишди.

Ҳамюртларимиз қитъада тенгсиз

Қитъа биринчилигининг мамлакатимизда ўтказилганлиги беҳиш эмас. Қўл жанги усталаримиз кўпгина нуфузли турнирларда иштирок этиб, голибикни қўлга кириштириб келишаёпти. Бу гагги мусобақа ҳам мамлакатимиз қўл жанги усталарининг тўла устулигида ўтди. Ҳаваскор йигит ва қизлар баҳсида ҳам, профессионаллар беллашувиди ҳам спортчиликимиз яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

Профессионаллар ўрта-сиддаги хал қилувчи жангларни ҳамюртларимиз Шўҳрат Минаров ва АҚШлик Вашингтон Сайрес бошлаб берди. 78 килограмм вазнда Осие чемпиони камари учун бўлган бу жанг мудоатидан олдин ўзбекистонлик спортчининг соф галабаси билан ақунланди. Уч кун давом этган мurosасиз беллашулар натижасида мамлакатимиз терма жамоаси аълолари ва вилоятлар вакилларидан Жаҳонгир Абдувоҳидов, Рустам Мағдиев, Бобур Раҳматов, Шўҳрат Абдураимов, Санжар Уртақов, Элбек Акбаров, Мурод Холтуров, қозғистонлик Асиф Тағиев ўз вази тоифаларида Осие чемпиони камарига эга бўлдилар.

— Чемпионат юқори савияда ўтди, — дейди мусобақанинг бош ҳақами Асадулла Уринов. — Унда 400 га яқин спортчи катнашди. Япония, Франция, АҚШ, Таиланд, Англия, Ҳиндистон, Испания, Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистондан таниқли спортчилар келишди. Бу эса хар бир жангнинг кескин кураш остида ўтишини таъминлади. Мусобақанинг ташкил қилинишига келсақ, Қаршидаги "Шўртангазимё" мажмуига қарашли аёллар ва болалар соғломлаштириш марказининг универсал манежида спортчилар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам жуда қулай шароит яратиб берилди. Зеро, бу ерда йирк халқаро турнирларни ўтказиш учун барча имкониятлар етарли.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

NEW HOLLAND LB

FIAT GROUP

TEL.: 120-60-97, 120-89-58.

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ — БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

ОБ-ҲАВО
(18 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгичилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгичилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илик атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд. Жаззаҳ ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгичилик кутилмайди. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илик ўрта-сидда, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнгичилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илик атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгичилик кутилмайди. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илик ўрта-сидда, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнгичилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб жойларга туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илик атрофида, кундузи 8-13 даража илик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгичилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 0-2 даража совуқ, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоқсов ва М. Белгиртов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонхоннов. Навбатчи — З. Жонхоннов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турни» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.10 Тошпирилди — 00.10

12 45